



## ТОНГДАГИ ФАЛОКАТ



### ҲОДИСА ЮЗ БЕРГАН ЖОЙДА

Даҳшат тонги сукунатда ўрмалаб келди. Йўқ, ўрмалаб эмас, дамбани урган сувдек пастга қараб айқириб келди. Ҳали кўпчилик уйда эди. Кимдир ўзбекининг чой-нондан иборат дастурхонини йиғиштираётган, бошқаси мактабга кечикаётган шумтакаларини уйғотаётган, учинчиси катта рўзгор ташвишида Ангрнга бозорликка отланаётган, яна бири касалхонадаги яқинидан хабар олишни дилга тугаётган маҳал эди, балким. Ҳаёт ўзининг лаззати ва азоблари билан бир маромда кечарди. Кечди 4 май тонги соат еттиларгача...

Тондан кўчган улкан тупроқ уюми Ангрн шаҳри яқинидаги Жигаристон қишлоғининг саккизта уйини тўла босиб, учтасини шикастлади. Дастлабки маълумотларга қараганда бахтсиз ҳодиса туфайли 64 киши ҳалок бўлган.

Нега тупроқ кўчди? Ҳозир унинг сабаблари ўрганилмоқда. Эҳтимол, сурункали ёмғирлар этегига уйлар тақалиб кетган тепалик тупроғини бўшатиб қўйгандир, эҳтимол... Олдиндан бир нарса дейиш қийин.

Фалокат оқибатларини тугатиш учун жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. 37 та хонадонда яшовчи 400 киши хавfli жойдан шошилинч равишда кўчирилиб, турар-жой билан таъминланди. Турли-туман жамғармалар, давлат сурғурта идоралари азият чекканларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда.

Жабрланганлардан ҳол сўраш мақсадида шу куннинг ўзида улар ҳузурда жумҳурият Президенти Ислам Каримов, Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгаши раиси Солижон Мамарасулов, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бўлишди.

Ҳодиса юз берган дастлабки дақиқалардан ички ишлар идоралари ходимлари бу ерда ҳозир бўлишиб, кутқарув ишларида фаол иштирок этдилар. Жабрланган фуқаролар мол-мулкни қўриқлаш чоралари кўрилди. Тошкент вилояти милициясининг 300 дан зиёд ходими чор-атрофни ўраб олиб, кечаю кундуз соқчилик қилишмоқда.

Кўпчилик хоҳиш-иродасига кўра тупроқ босган жой қардошлик мазори, деб эълон қилинди. Кеча бутун жумҳурият аҳолиси 64 нафар ҳалок бўлган ҳамюртларига мотам тутди.

Ғайрат БОЛТАБОВ.

СУРАТЛАРДА: фалокат юз берган жойда.

В. ИЛЬИН олган сураатлар.

## БЕОРОМ ТУНЛАР (СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

Махсус мухбиримиз Ҳабибулла Шодиев Тошкент шаҳар ижрония қўмитаси ИИБ патрул-пост хизмати бўлаги милиционерлари билан ўтган кунни тунги навбатчиликда бўлди. Уларнинг серташвиш ва машаққатли хизматлари ҳақида ҳикоя қилувчи сураатлар олди...

Ҳамроҳим — бўлак командири ўринбосари милиция капитани Илҳомжон Дадахонов билан кечкурун соат 8 дан 30 минут ўтганда учрашиб, озоишталик побонлари хизмат бурчини ўтаётган жойларга қараб йўл олдик.


Биринчи келган еримиз Октябрь тумани ҳудудидаги «Ленинград» меҳмонхонаси бўлди. Биз милиция сержанти Комил Каримов, милиция кичик сержанти Исмат Рустамовларни рация орқали «объект» ҳақида маълумот бераётганлиги устида учратдик (1-сураат). Атроф жимжит. Ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар ҳам бетиним меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Ресторан олди ҳам сукутда. Биз хизматларини ўтаётган милиционерлар билан бироз суҳбатлашдикда, навбатдаги манзил томон оширдик.

(Давоми учинчи бетда)



# БУГУН — РАДИОКУНИ



Овознигор ва ойнаи жаҳон эшиттиришлари ҳамда кўрсатувларини миллионлаб одамлар тинглайдилар, томоша қиладилар, турфа олам хабарларидан, янгиликларидан баҳраманд бўладилар. Умуман олганда бу масканларда ишлаётган журналистлар, режиссёру бошқа ходимлар иложига борича эшиттириш ва кўрсатувларни жонли, таъсирчан чиқаришга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, бир неча вақтдан бери ижодкорлар ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида ҳам озми-кўпми меҳнат қилиб келмоқдалар.

Жумҳурият телевидениесининг сиёсий-иқтисодий ижодий бирлашмаси ҳуқуқ-тартибот бўлими томонидан «Инсон ва қонун», «Осойишталик посбонлари», «ЎзССЖ ИИБ матбуот маркази хабар қилади» каби қатор руқнлар остида турлича кўрсатувлар тайёрланмоқда. Бу ишда бўлим муҳаррири Маҳмадҳаким Соатов, режиссёр ассистенти Ғайрат Хонназаровлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Суратларнинг бирида уларнинг навбатдаги кўрсатувга тайёргарлик кўраётгани тасвирланган. Иккинчи суратда эса фильмлар монтажчиси Маҳмудахон Тўрахонова акс эттирилган.

Жумҳурият овознигори муҳаррири Тамара Боровикова ўт ўчирувчилар билан суҳбатлашмоқда.

**Ҳ. ШОДИЕВ** олган суратлар.



## ПОРАХЎР УСТОЗ

Ангрен шаҳар педагогика билим юрти ўқитувчиси Абдусаттор Ҳамроевнинг кейинги пайтда юриш-туриши ўзгариб қолганди. 30 ёшга кирган бўлса-да, элнинг кўёви, яъни бўйдоқ юрган йигитнинг нафси ҳакалак отганди. Шунинг учун ўқувчилардан хоҳласа имтиҳон олар, хоҳласа ҳаммани «йиқитиб» юборарди.

Ўтган йили қишқи имтиҳонлар пайтида «Жисмоний тарбия назарияси ва тарихи» фани ўқитувчиси Абдусаттор Ҳамроев ҳар бир баҳонинг нарҳини ўзича белгилаб олди ва турли баҳоналар билан ўқувчиларни имтиҳондан қайтара бошлади. Кимки битта синов (заҳёт) учун 50 сўм берса, унинг билими қониқарли, деб топилди. 12 нафар ўқувчидан 600 сўм пора олгач, Абдусатторнинг иштаҳаси янада очилди. Бўлажак педагоглар «устоз»нинг бу «қилиғи» жонидан ўтгач, ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. А. Ҳамроев навбатдаги порани олаётганда опергуруҳ томонидан ушланди.

Яқинда Ангрен шаҳар халқ судида А. Ҳамроевнинг иши кўриб чиқилиб, ҳукм ўқилди:

«Ҳамроев Абдусаттор ЎзССЖ ЖМнинг 152-моддаси 2-қисми билан айбдор, деб топилсин ва муддати олти йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазо кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш муассасасида ўталсин. Молмулки давлат фойдасига мусодара қилинсин. Жазони ўтаб чиқанидан кейин тўрт йил муддатгача педагогика соҳасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинсин».

Ана сизга қилмиш-қидирмиш.

**М. ҲАКИМОВ.**

## АВТОБУСДА САЯР

Тошкентлик 30 ёшли Н. Доценко кайфилик пайтида шовқин-сурон қилиб ўтирмас экан. У гандираклар келиб, 61-йўналишдаги автобусга чиқди. Темирўйлчилар кўчасида эса ҳайдовчига пичоқ ўқталиб, «Октябрь инқилоби клуби» бекатида жамоат транспортини тўхтатиб қўйди. Аввалига барча йўловчиларни пиёда қолдириб, ўзи автобусда сайрга чиқди. Кўрилган чоралар тўғрисида Н. Доценко ушланди.

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

### ЎЗИ ЖАБРАНДИ

Мастлик нималарга олиб келмайди дейсиз. Хурмачасига сиққанидан зиёд ичган фуқаро М.нинг нотаваой кўнгли шўхлик истаб қолди. 25 апрель кунини Чирчиқ шаҳридаги кўчада кеч соат саккизларга яқин у қўлбола гранатани портлатди. Бахтли тасодиф тўғрисида ўзидан бошқа ҳеч ким жароҳатланмади.

**Ғ. ТЕМИРОВ.**

### МАҲУМЛАРГА ТОВОН ТУЛАНЯПТИ

«Утирганлар»ни ёддан чиқаришмади: бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ИТТНФОҚ Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган маълум қарорга мувофиқ Уралдаги колонияларда сақланяётган маҳкумларга ҳам 69 сўм миқдорда товон тўланипти.

### ПАРЛАМЕНТДА ЖАНЖАЛ ЧИҚДИ

Олий халқ мажлисининг ҳозирги аъзолари ички ишлар вазирлигига ахборот етказиб турганлиги ҳақидаги масала юзасидан Болгария парламентида сешанба кунини катта жанжал чиқди. Матбуот саҳифаларида 30 дан зиёд депутат «чақимчилар» рўйхатига кирганлиги тўғрисида хабар чиқиб кетди.

(«Комсомольская правда» рўзномасидан).

## ЎСМИР ВА ҚОНУН

Шу йил 5 январга ўтар кечаси Қорақўл туманидаги 7-ўрта махсус техника билим юртининг 17 ёшли ўқувчиси 18 ёшли бир ўртоғи билан тил бириктириб, ўзи таҳсил олаётган билим масканига ўғирликка тушди. Синфхоналардан бирининг эшигини синдириб кириб, иккита магнитофон, битта радиоприёмник ва овоз кучайтиргични ўмариди.

Лекин уларнинг бу ҳатти-ҳаракати милиция эътиборидан четда қолмади. Тергов давомида улар бундан ўн кун муқаддам тунги соат учларда Муқимий кўчасида жойлашган овоз ёзиш студиясига кириб, баҳоси 215 сўм турадиган «Весна-202» ва 200 сўмлик «Романтика-306» магнитофонларини, 52 дона, яъни 853 сўмлик микрокассеталарни ўғирлашганини ҳам тан олишди.

2 февраль кунини эса икки номаълум шахс Зарафшон шаҳрининг 3-ўрама (микрорайон)да яшовчи фуқаронинг уйига тушган. Аниқланишича, уларнинг бири Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи 17 ёшли ўсмир бўлиб чиқди.

# ҚАЛТИС АЙБИМИЗ

30 март кунини эса Бухоро туманидаги 12-мактабнинг 8-синф ўқувчисига қарашли бўлган велосипед йўқолди. Милиция ходимлари ўғирларини топдилар. Улар ўша боланинг вояга етмаган мактабдошлари экан.

Хуллас, ана шундай кўнгилсиз ҳодисалар тобора кўпроқ содир бўлаяпти. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўсмирлар ҳисобига тўғри келадиган жиноятлар сони ўтган йили 2,4 фоиз, шу йилнинг дастлабки уч ойида эса 42,8 фоиз кўпайганлигини билиб олиш қийин эмас. Яна ҳам аниқроқ рақам келтиришимиз мумкин: вилоят ИИБ балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимлари шу ойлар ичида ҳуқуқбузарлик содир этган 946 нафар ўсмирни аниқлаб, чора кўрдилар.

Хўш, нима учун навихол ўсмирларимиз бу қадар тубанлашиб кетаяпти? Уларнинг қайтиш амримаҳол бўлган жиноятчилик ботқоғига қадам қўйишлари босиб нима? Етишмовчиликми ёки?..

Тўғрисиини тан олиш керак, бу ўринда балоғатга етмаганлар билан ишлаш

инспекцияси ходимларининг хизматни тўғри ташкил эта олмаганликлари асосий сабаблардан биридир.

Ўтган чоракда вилоят бўйича ўсмирлар томонидан 130 та жиноят содир этилди. Бунга баъзи туманлар «салмоқли» ҳисса қўшди. Мисол учун Навоий шаҳрида — 45 та, Тўқимачилик туманида — 19 та, Файзулла Хўжаев туманида — 15 та, Зарафшон шаҳрида — 10 та жиноят рўй берди. Кўриниб турибдики, юқорида саналган икки шаҳар ва икки туманда ўсмирлар билан шуғулланиш мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Лекин воқеликни инсоф билан ўлчайдиган бўлсак, бу борадаги ҳамма айбни милицияга ағдариб қўйиш ҳам адолатсизлик бўлади. Сийқаси чиққан гап бўлса-да, тарбияси ёмон болалар билан шуғулланиш фақат уларнинг иши, деб қараш мақсадга эндлигини яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу ўринда ҳар бир инспекторга ўн минглаб ўсмирлар тўғри келишини назардан қочирмаслик керак.

Йилнинг ҳар чорагида вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими

ташаббуси билан «Ертўла», «Ўсмир», «Магнит» ва «Зарбдор ўн кунлик» каби тадбирлар ўтказилапти. Қолаверса, январь-февраль ойларида халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро, Зарафшон, Навоий шаҳарларида, Ғиждувон, Ромитан, Қорақўл туманларида шу мавзуга бағишланган семинар-кенгашлар уюштирилди. Ана шу анжуманларда балоғатга етмаганлар билан ишлаш фақат милициянинггина эмас, балки маҳаллий Кенгашлар, мактаблар ва махсус ўқув юрти педагоглари, комсомол ташкилоти, ниҳоят кенг жамоатчилик вазифаси эканлиги ҳам айтилди. Лекин ана шу гапларнинг амалий акс-садоси ҳануз сезилмаяпти.

Шу томонни борни, бошқа ташкилотлар бу аҳволга ўз муносабатини мутлақо билдирмайпти. Кўпчилик бугун битта ноҳўя қадам ташлаган ўсмир эртага жиноятчи бўлиб етишиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайпти. Бу эса ёшлар тарбиясидаги энг қалтис айбимиздир. Ана шунини эътибордан қочирмаслик керак.

**Н. ЗИКРИЛЛАЕВ.**

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

# БЕОРОМ ТУНЛАР



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Киночилар уйи олдида келганимизда, соат миллари 9 дан ошган эди. Милиция сержанти Фахриддин Яллаев, милиция кичик сержанти Муҳаммаджон Насриддинов, милиция катта сержанти Арслон Мамадалиевлар милиция старшинаси Бўлтак Бўриевдан топшириқ олар эдилар (2-сурат). Бизнинг «Нива»миз келиб тўхташи ҳамон улар суҳбати бўлинди. Милиционерлар бизга пешвоз чиқар энанлар, ўзларни хизмат олиб бораётган ресторан атрофида тинчлик ҳукмрон эканлигини маълум қилдилар. Илҳомжон Дадахоновнинг юзига илиқлик

югурди, чамамда. Йигитларга тинч тун тилаб, йўлни Собир Раҳимов тумани ИИБ томон бурдик.

— Менинг зиммамга Киров, Октябрь, Собир Раҳимов туманларида хизмат қилаётган йигитларимизнинг ишларини кузатиш киради. Ҳар-кунги тун бир-бирига ўхшамайди, гоҳида сокин, гоҳида беҳаловат ўтади, — дейди Илҳомжон. Собир Раҳимов тумани ИИБга келганимизда у бу ерда халқимиз ҳузур-ҳаловатини қўриқлаётган рота командирларидан бири милиция лейтенанти Саъдулла Исмаилов билан таништирдим. Командир менга Қорақамиш-2 даҳасининг 5-маҳалласидаги 17-уйнинг 12-хонадонидан юз берган қотил

лик ҳақида гапириб берди. Дарҳол машина ҳайдовчиси милиция катта сержанти Бахтиёр Мўминовни олдида, воқеа юз берган жойга равона бўлдик (3-сурат). Уй олди жиноят қидирув бўлинмаси оператив вакиллари, экспертлар, участка инспектори ва хонадон эгасининг қўни-қўшилари билан тўла эди. Йўлакдан юқорига кўтарилар эканман, одамларнинг гала-говурига дуч келдим. Хонадонга кирдим. Не кўз билан кўрай-ки, кўрпача ичида уч-тўрт кун олдин ҳаёт бўлган мавжудот — инсоннинг қорнидан юқори қисми ётарди.

— Қотил уй эгасининг танагини икки қисмга ажра-

тиб, уларни турли жойга гум қилган. Дастлаб жасаднинг пастки қисми топилди, уч кундан сўнг унинг тела қисми, — дейди суҳбатдошим Саъдулла Исмаилов.

Рўзномамиз мухлисларини изтиробга туширмаслик мақсадида у суратни чоп этишни лозим топмадик.

Биз бу ерни тарк этдик. Йўлда келар эканмиз, рацияда Чигатой дарвозасидаги бозор ичида муштлашиш бўлаётганлигини хабар беришди. Дарҳол машина рулини ўша ерга бурдик. Ортимиздан милиция наряди ҳам етиб келди.

Лекин... жанжалдан асорат йўқ эди. Фақат бозор ичида кабобпазнинг савдоси авжида эди, холос.

Машинага ўтиришимиз ҳаманоқ Октябрь туманидаги хонадонлардан бирида икки қуда томоннинг ўзаро келишмовчилиги туфайли юз берган жанжал натижасида кимдир кучли тан жароҳати олгани ҳақида хабар қилнарди. Туман ИИБда навбатчи милиционерлардан шу нарса маълум бўлдики, жабрланганларни шаҳар касалхоналаридан бирига олиб кетишибди.

Қудалар можаросига керакли касб эгалари баҳо беришади. Саъдулла Исмаилов билан Собир Раҳимов тумани ИИБга қайтиб бордик. Тунги соат 11 бўлишига қарамай катта терговчи милиция капитани Маъмур Турғунов хонасида ҳамон чироқ ёниқ турарди. Унинг олдида ашъвий далиллар ётарди. Менинг берган саволимга у воқеани бир бошдан ҳикоя қила бошлади.



Тошкент машинасозлик олий билимгоҳи 5-курс толиблари — ҳиндистонлик Кумар Паваниш, Потгури

Рам Прасад ва Карнавин Кишорлар яшайдиган 21-ётоқхонанинг 12-хонасида апрель тунларидан бирида юзларига ниқоб кийиб олган бир гуруҳ ўзгалар мулкига ишқибоз босқинчи талабалар кирадилар ва 2 та ҳинд студентига тан жароҳати етказиб, оёқ-қўлларини боғлайдилар. Ажнабий толибларнинг 720 рупий пулини, 38 минг 273 сўмлик мол-мулкни олиб чиқиб кетишди. Суратларда ўғирланган буюмлар ва ҳамтовоқлар уйдан топилган, чет элга олиб чиқиб кетиш учун тайёрлаб қўйилган ноёб доридармонлар акс этган. Ҳозир 2 нафар студент қамоқда. Тергов олиб борилмоқда. Яқин кунлар ичида саёқ юрган текинхўрлар суд олдида жавоб беришади.

Тун пардаси ортида кўрган-кечирганларимнинг айримлари билан сизларни таништирдим. Гарчи мен патруль-пост хизмати милиционерлари билан ўтказган туним унчалик ҳаловатли кечмаган бўлса-да, милиция формасидаги кишиларнинг нақадар тиришқоқлик, ўз ишига масъулият билан ёндашаётганликларини яна бир бор ҳис қилдим.

Осойишталик посбонларини зарур техника воситалари билан таъминлаш жуда секинлик ва сусткашлик билан олиб борилаётганини кўрдим. ИИБ раҳбариятларидан оддий милиционерларнинг кундалик ҳаёти, иш фаолияти билан қоғозлар ёрдамида эмас, улар ёнида бўлиб танишишни давр тақозо этаётганлигини ҳис қилдим.

**Ҳабибулла ШОДИЕВ,**  
«Посда»нинг махсус мухбири.  
Муаллиф олган суратлар.



# ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ЧУҚУР

## Унга қарши биргалашиб курашмоғимиз керак

Партиянинг қайта қуриш ва демократиялаш йўли социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли қўриқлашдан, ижтимоий адолат талабларига қатъий амал қилишдан ажралмасдир. Бироқ, кейинги беш йилликда нафақат жумҳуриятимиз, балки Иттифоқимизда ҳам жиноятчилик, айниқса уюшган жиноятчилик, чайқовчилик, истеъмол молларини ўмариб кетиш ёки кўп миқдорда яшириб қўйиш, халқ орасида парокандалик келтириб чиқариш,

талончилик ва йўлтўсарлик каби жиноят турлари кўпаяётир. Бу ҳол меҳнаткашлар орасида ҳақли безовталанишга сабаб бўлаётир. Бунинг устига савдо дўконлари қуриб бормоқда. Нарх-наво осмонга чиқиб кетди. Одамлар тинч ишлаб, хотиржам яшашга, тўкинроқ рўзғор тебратишга умид қилсалар бўладими?

Жумҳуриятимиз прокурори Бўритош Мустафоевич МУСТАФОЕВ билан бугунги суҳбатимиз ана шу мавзуда.

— Бўритош ака, ҳозирги безовта замонда прокурор назоратини, прокуратуранинг бутун фаолиятини янада кучайтириш долзарб ва муҳим бўлиб қолавериши лозим. Шундай эмасми!

— Албатта. Бу масалада бизнинг бугунги суҳбатимиз очиқ бўлиши керак. 1990 йилда жиноятчиликнинг, айниқса унинг оғир турларининг ўсиши янада ўткир бўлиб қолди. Қотиллик, шахсга қарши ва бошқа жиноятчилик кучаймоқда. 1991 йилнинг ўтган уч ойида бу 5,9 фоизга ортди. Айниқса ҚҚАССР, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятларида кўпдир.

Балогатга етмаганлар томонидан 5170 дан ортиқ жиноят содир этилган. Жиноятнинг очилмай қолиш кўрсаткичи ташвиш уйғотади кишида. Ҳар уч жинриятнинг бири очилмай қолмоқда, Зўравонлик ишлатиб қўрқитиш йўли билан пул олиш, фуқароларнинг хонадонларига бостириб кириш, уларнинг бисотларини талаб кетиш жиноятлари пайини қирқиш керак. Жиноятчиларнинг хатти-ҳаракатлари борган сайин турланиб, мураккаблашиб бормоқда.

Кўпгина вилоятларда, айниқса Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида хўжалик юретишнинг янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳити ўзгарган шароитда ҳуқуқни қўллаш тажрибаси мукаммал йўлга қўйилмаётир. Эндиликда жиноятчи унсурлар ташқи иқтисодий соҳага ҳам суқулиб кирганлиги, савдо тармоғида ва ширкатчилик ҳаракатларига аралашиб, иқтисодиётга ҳамла қилиш фактлари қайд этилган. Бошбоқдоқлик, хўжасизлик, тақчилликнинг ўсиб кетиши яширин иқтисодиёт ривожига кўмаклашмоқда.

Жиноятчилик ва айниқса унинг уюшган турлари билан кураш олиб бориш юзасидан баъзи рақамларни келтириб ўтаман. Утган 1990 йилда жумҳуриятда мингга яқин жиноий гуруҳи фаш этилди. Прокуратура ва ички ишлар органларининг тергов аппаратлари томонидан 266 та уюшган жиноятчилик гуруҳининг, шу жумладан 9 та қотиллик, 44 та тунаш, 104 та босқинчилик, 415 та ўғирлик, 24 та товламачилик билан боғлиқ жиноий ишнинг тергов қилиш тугалланди. Жами 793 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳозирги даврда эса 1630 та уюшган жиноий гуруҳи фаш этилиб, улардан 266 таси бир йилдан беш йилгача ҳаракат қилган, 8 таси жумҳуриятлараро, 100 дан ортиғи вилоятлараро жиноий алоқада бўлган. Бу ҳали ҳақиқий иш аҳволининг тўла манзараси эмаслиги аён. Яширин жиноятчиликнинг мақорлиги кун сайин ортиб бормоқда. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳам шунга яраша чора кўрмоқдалар. Бироқ вазият барча органлар фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини кўрсатиб турибди.

— Бу борада дастлабки тергов ва терговнинг сифати бутун ишнинг боришида жиддий аҳамият касб этади. Прокуратурада тергов ишлари юзасидан назорат ўрнатилиши аҳволи қандай!

— Очиқ айтиш керак, прокурорлар жиноятнинг олдини олиш, жиноятчилик тўғрисидаги ҳар бир хабарга зудлик билан эътибор бериш, жиноятчининг жазодан қочиш қўтилмалиги, яширинмаслиги учун тергов аппарати ва суриштирув органлари тергов сифатини қатъий қонун талаблари асосида яхшилашга эриша олмаётлар. Қўшимча текшириб қўришга қайтарилган ишларнинг таҳлили ҳам ана шундан далолат беради. Бу ҳолат бирмунча камайган бўлса-да, айрим терговчилар ва прокурорларнинг совуққонлиги ва содир бўлган ҳолатларни синчиклаб ўрганмаганликлари оқибатида «дардисар» бўлиб қолаётган бир талай жиноят ишлари кишини габзлантиради. 1990 йил 14 июль кунини тахминан соат 12 лар чамасида Шаҳрисабз район Энгельс номи колхоз ҳудудида ағдарилган «Москвич» автомашинасининг очиқ қолган орқа юкхонаси ёнида чап кўкрак қафаси ўткир кесувчи нарсани билан жароҳатланган Санд Примовнинг жасади топилган. Машина марҳумнинг ўзига тегишли бўлган. Примов куч ишлатиш билан

ўлдирилганлиги белгиси аниқ бўлишига қарамай воқеа жойига Шаҳрисабз район ички ишлар бўлими терговчиси ва ГАИ ходимларидан бошқа ҳеч ким чиқмаган. Натижада 1990 йил 18 июль кунини Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-моддаси 2-банди билан жиноий иш қўзғатилган.

1990 йил 28 августда милиция терговчиси Примовнинг ўлими юзасидан қўзғатилган бу жиноят ишини қасддан одам ўлдиришга қайта квалификация қилса-да, прокурор вазифасини бажарувчи Хуррамов бу қарорни асосиз бекор қилган. 1990 йил 19 октябрь кунини мазкур жиноят иши Қашқадарё вилояти прокуратурасида ўрганиб чиқилиб, ҳақиқатан ҳам Примов қасддан ўлдирилганлиги аниқланган ва Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 81-моддаси билан қайта жиноий иш қўзғатилган.

Жиноятларни очишда нохуш манзара юзага келаяпти. Деярли барча музофотларда очилмай, фаш этилмай қолаётган жиноятларнинг кўпайиши кузатишмоқда. Шу билан бирга асосланмаган ҳолда жиноий иш қўзғатишдан воз кечиш, ётқириш ёки тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам аниқланмоқда. Бу процессуал қонуннинг қўпол бузилишига йўл қўйилаётганлигидан далолатдир. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон районидан прокурор Т. Чориев ва терговчи Э. Бердимуродовлар Е. Чориевнинг ўлимига боғлиқ далилларни аниқлаш чораларини кўрмай туриб, жиноятчиликнинг бу тури билан кураш олиб бориш аҳволини безаб кўрсатиш мақсадида уни оғир тан жароҳати, деб ўзгартирганлар ва ички ишлар тергов органига юборганлар. Ишга совуққонлик билан қараш оқибати жиноят ишлари ва ҳатто ашъвий далилларнинг йўқолиб кетишига олиб келди. Бу қотилликни содир қилишда шубҳа остига олинган шахсларни фаш этишни мушкуллаштиради.

— Шу ўринда яна бир нарсага аниқлик киритишимиз керак. Жиноий ишларнинг текшириш учун «муддатлар» яратиш мақсадида уларни асосиз тўхтатиб қўйишдек яроқсиз тажрибага ҳам дуч келишмоқда. Улар узоқ вақт ҳаракатсиз ётиб қолади. Тони даъвогарлар юқори ташиқлотларга мурожаат қилишмагунча бу ишлар юқори прокурорлар томонидан текшириб кўрилмайдми. Бу аҳвол жумҳурият прокуратурасида ташвиш уйғотса керак!

— Албатта. Айниқса Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида жиноий ишларни муддатиде тергов қилиш яхши эмас. Бухоро, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам аҳвол шундай. Мураккаб оператив ҳолатни ҳисобга олиб қасдан қилинган қотилликларни очиш ва текшириш юзасидан ишнинг самардорлигини ошириш, тергов аппарати ва жиноий қидирув хизматлари фаолиятини яхшилаш, ҳар бир жиноятчи жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтиришга қаратилган чораларни мувофиқлаштириш мақсадида жумҳурият прокуратураси ички ишлар органлари билан ташкилий ва амалий тадбирлар қабул қилди. Булар СССР прокуратурасининг маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятларини эътиборга олган ҳолдаги кўрсатмалари ва тавсиялари асосида ташкил этилди. Жумҳурият прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари сўнгги икки йилда қотилликларни очиш аҳволи нохуш бўлган 12 вилоятда бўлиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга улар фаолияти юзасидан текширишлар ҳам ўтказди. Жумҳуриятимизда қасдан одам ўлдириш бирмунча камайган бўлса-да, бироқ бу ҳодисалар Сирдарё, Наманган, Андижон, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ошди. Жиноят қилган шахсларни излаб топниш ва жавобгарликка тортиш қониқарли ташкил этилмагани оқибатида 1991 йилнинг биринчи уч ойлигида 7060 та жиноий иш, 1990 йилда Тошкент вилоятида 2925 та, Фарғона вилоятида 1656 та, Бухоро вилоятида 2282 та, Самарқанд вилоятида 1961 та ва Наманган вилоятида 635 та жиноий иш айбдор топилмагани учун тўхтатиб қўйилган эди.

Қасдан одам ўлдиришнинг 60 фоизи шаҳарлар ва посёлкалар ҳудудидаги жамоат жойларида

содир этилган. Жиноятчилар қотилликнинг ҳар иккисидан бирида совуқ қурол, ҳар тўрттасидан бирида ўтмас буюмлар, ҳар ўнтасидан бирида бўғиш, ҳар саккизтасидан бирида ўқ отиш қуролдан фойдаланишган.

Қотиллик билан курашишда юзага келган мураккаб муҳитни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан 1990—1992 йилларда қасдан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятларни очиш ва текшириш ишини такомиллаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг биргаликдаги дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда ҳар бир қотилликни амалга оширган шахслар жазосиз қолмаслиги учун терговчи ва оператив ходимларга ташкилий, амалий ёрдам чоралари кўрсатиш назарда тутилган.

— Тергов ва дастлабки тергов даврида баъзи айбдорларни ҳисбада сақлаш муддати ўтказиб юборилаётганлиги ҳақида ҳам рўзнома ва юқори идораларга узлуксиз арзномалар келиб турибди.

— Тўғри, ҳар бир коллегияда ҳисбада ушлаб туриш тўғрисидаги қонун талабларини бузишга йўл қўйиб бўлмалиги алоҳида талабчанлик билан кўриб чиқилмоқда. Бизнинг диққат марказимизда инсон туриши зарур. Жиззах вилояти Октябр ноҳиясининг прокурори У. Эргашев 1990 йилнинг 31 мартда беш кишини — Узоқов ва бошқаларни, шу жумладан, гувоҳлардан бирини фуқаро Алиеванинг уйини портлатиб юборишга уринганлиги тўғрисидаги текширилмаган аризаси бўйича ҳисба олишга ижозат берган. Бу иш юзасидан уларнинг айбдорлигини исботловчи бирон-бир далил топилмади эришилмай ва уларга айб эълон қилинмай туриб, бир ойгача тутқунликда сақланганлар. Охир оқибат бу жиноий ишнинг ҳаракатдан ётқириб, улар озод этилдилар. Бу масала жумҳурият прокуратураси ҳайъати мажлисида кўриб чиқилди ва айбдор бўлган шахслар ҳаққоний жазоларини олдилар.

1990 йилда жумҳурият бўйича 36 киши ноқонуний ҳисбада сақланган. Мазкур масалада хатоликка йўл қўйган 100 дан ортиқ прокуратура ходимлари интизомий жавобгарликка тортилган. Жумҳурият прокуратураси аппаратида 1990 йилнинг апрелдан бошлаб икки бошқарма ишляпти. Прокурор назоратининг хилма-хил усулларини қўллаш ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олишда, қонунчиликни мустаҳкамлашда гоят катта роль ўйнайди.

Камомадлар ва ўғирликлардан кўрилаётган зарарлар қисқармаяпти. Қўшиб ёзиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш билан курашиш ҳали етарли эмас. Корхоналарнинг янги хўжалик юретишга ўтказилиши бу ишда, айниқса, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида ҳозирча туб бурилиш ясашга олиб келганича йўқ. 1990 йили давлатни алдаганлиги учун жиноий жавобгарликдан ташқари 4624 амалдор шахс интизомий, 583 киши маъмурий ва 3278 киши моддий жавобгарликка тортилди, 7316 киши эса прокурорлик огоҳлантиришини олди.

— Бўритош ака, табиат экологияси ҳам бузилиб бормоқда. Бу мавзуда «Қишлоқ ҳақиқати»да бир неча танқидий материал берилди.

— Тўғри, бир қатор жойларда табиатга ҳалокат келтирадиган даражада муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан масъулиятсизларча фойдаланиш далиллари прокуратура ходимлари томонидан аниқланган. Сановат корхоналарининг ҳавога чиқараётган захарли моддалари даражаси белгиланган нормадан юқоридир. Сув ресурсларини сақлашга ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаган. Режалаштирилган тадбирлар бажарилмаётир. ҚҚАССР, Сирдарё, Хоразм вилоятларининг бир қатор корхоналарида гоят оғир аҳвол юзага келган. Ана шу вилоятларнинг прокурорлари бу соҳада жиддий шуғулланишлари лозим.

— Сановат корхоналарини қуриш ёки қайта таъмирлашдаги исрофгарчиликлар ва қонунбузарликлар-чи!

(Давоми бешинчи бетда)

# ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ЧУҚУР

Унга қарши биргалашиб курашмоғимиз керак

(Давоми. Боши тўртинчи бетда).

— Саноат корхоналаридаги ўрнатилмаган асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг аҳолини алоҳида кўрсатиш мумкин. Утказилган текширишларда корхоналарнинг ва хўжаликларнинг бир қатор амалдор шахслари томонидан зарур бўлмаган асбоб-ускуналарни сотиб олиш, сақлаш ва ҳисобдан чиқариш тартибига масъулиятсизларча муносабатда бўлинаётганлиги аниқланди.

Масалан, СССР Кимё-нефть саноати вазирлигининг Ангрендаги «Узбекрезинтехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида 1980 йил 1 февралдан 12,3 миллион сўмлик ўрнатилмаган асбоб-ускуналар йиғилиб ётибди. Бунчалик катта миқдорда тўпланиб қолишига нима сабаб? Ишлаб чиқариш қувватлари тайёрлиги билан асбоб-ускуналар етказиб бериш муддатлари идоралар ўртасида келишиб олинмаслиги оқибатида жумҳурият корхоналарининг омборларида 321,3 миллион сўмлик, шу жумладан Тошкент шаҳрида 46,5 миллион сўмлик 1989—90 йилда ўрнатилиши лозим бўлган ана шундай асбоб-ускуналар йиғилиб ётибди. Прокурорларимиз эътиборни мана шундай ачинарли аҳволга қаратмоқда.

Жумҳуриятимизда аҳолини иш билан таъминлаш—бугунги кундаги ғоят ўткир муаммо. Бозор иқтисодиётига ўтиш, корхоналарнинг мустақиллигини ривожлантириш аҳолининг иш билан банд бўлишига боғлиқ янги вазифаларни юзага келтирмоқда. Майда корхоналарнинг ҳамда фермер хўжаликларининг ривожланиши уларга ишчи кучларининг кўп миқдорда келиб қўшилишига шароит яратеди. Бироқ текширишлар шуни кўрсатдики, ана шу масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари сусткашлик кўрсатмоқдалар. Аини пайтда текинхўрлик билан кун кечираётган шахсларга қарши курашиш, қонунларнинг ижроси юзасидан прокурор назорати асосиз равишда сусайтириб юборилган. Утган 1990 йилда қайд этилган қонунларнинг ижросини текшириб туриш миқдори камайган. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё вилоятлари ва ҚҚАССР прокуратура органлари бу билан деярли шуғулланмадилар.

Ичкиликбозлик, сегомон тайёрлаш, гиёҳвандлик ва захармандликка қарши курашиш ишлари етарли даражада эътибор бермадилар. Бу маълум даражада жиноятчиликка тўртки бўлади. Шу қатламдаги шахсларнинг аксарияти «ўтириб чиқиб» ишга жойлашмай юрган кимсалардир. Уларни ишга жойлаштириш ва уй-жой билан таъминлаш мажбурияти юклатилган корхоналарнинг рўйхатини тасдиқлаш зарур.

— Жиноят ишларини судларда кўриб чиқиш пайтда қонунийликка риоя қилиш учун назорат бирмунча кучайди. Суд назорати масаласи юзасидан жумҳурият семинар-йиғилиши ҳам ўтказилган. Шу масалада бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Судларда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш юзасидаги иш фаоллашди. Ҳар уч суддан бирида прокурорларнинг қатнашиши таъминланди. Давлат айбловчилари суд жараёнига катта синчковлик билан тайёргарлик кўрадилар. Судларда прокурорларнинг мустақиллиги таъминланди. Жиноий ишларни судларда кўриб чиқиш пайтда шаҳар, район прокурорлари шахсан қатнашадилар.

Сўнгги вақтларда прокурорлар жиноят ишлари юзасидан чиқарилган суднинг ноқонуний қарорларига жиддий норозилик билдирмоқдалар. Утган йил билан қиёслаганда шахсий норозиликларни қондириш миқдори 30 фоизга кўпайди. Прокурорларнинг кассацион норозилиги бўйича ҳукмларнинг ҳар учтадан бири бекор қилинди. Прокурорлик фаолиятининг мана шу муҳим жаҳасини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида давлат мулкани ўғирлаш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш орқасида отказилган зарарни ундириб олиш юзасидан давволар миқдори камайди. Мана шу музофотларда шартномаларнинг бузилиши тўғрисидаги давволар зарарларни ундириб олиш тўғрисидаги давволар аҳён-аҳёнда қўлланилмоқда. Умуман жумҳурият бўйича қўшиб ёзиш орқали келтирилган зарарларни ундириб олиш ғоят суст йўлга қўйилган. Бундай ҳолат Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида юз бермоқда. Аҳолини етарли саноат ва озиқ-овқат моллари билан тўла таъминланмаётганлигининг ана бир сабаби ана шу қўшиб ёзиш оқибатидир. Маҳсулотнинг тақчиллиги нархнинг кўтарилишига, бозордаги олибсатарлик, чайқовчилик жиноятининг келиб чиқишига сабаб эмасми? Барча прокурорларнинг эътибори шу соҳада зарур тартиб-интизом ўрнатишга қаратилган.

— Бизнинг ахлоқ-тузатиш меҳнат муассасаларимиз ўз номига яраша бўлмоғи керак. Баъзан чет эл қамоқхоналарида шароит ундай бўларкан,

бундай бўларкан, бизникида аҳвол танг, деган таъна-дашномлар ҳам эшитилиб қолинади.

— Шунга айтиш керакки, ахлоқ тузатиш меҳнат колониялари ва айрим тергов изоляторларида умумий муаммолар ва прокурор назоратининг етарли даражада эмаслиги тўғрисида вазият бирмунча мураккаб. Кўпгина тергов изоляторлари ва ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ҳибсга олинганларни ва судланганларни сақлаш режими бўш, уларни қўриқлаш ва ишончли тарзда ажратиб қўйиш талабга жавоб бермайди. «Ўтирган»ларга пуллар, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва бошқа таъқиқланган буюмлар етиб бораётди. Ана шу аснода қўпол бузилишлар ва жиноятлар содир этилаётди. 6-ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ва жумҳурият назорат кучайтирилган касалхонасида икки бор гаровга ушлаб олиш содир этилди. Улар тан жароҳати келтирмади ёки буюмларни ишдан чиқаришмади. Ҳар ҳолда музокаралар натижасида гаровга олинганлар озод этилди.

Тергов изоляторларида, айниқса Тошкент шаҳридаги 1-тергов изоляторларида зарур бўлган турар жой, шарт-шароитлар таъминланмаган, пул ва қурилиш материаллари йўқлиги тўғрисида таъминлаш ишлари тўхтатиб қўйилган. Натижада кўпгина жойларда маҳбусларни сақлаш режими бузилмоқда, сантехник ускуналари синган, ифлос, дим, намгарчилик юқори. Маҳбусларни нормада белгиланганидан кўп миқдорда сақлашга йўл қўймаслик керак.

Бу муаммо ўз ечимини кутмоқда. Бунга тегишли ташкилотларнинг эътибори жалб этилган.

— Бўритош ака, юзага келаятган мураккабликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар, партия ва ҳукуматимиз кўраётган тадбирлар охири-оқибат одамларнинг тинч ишлаб, тўқинроқ рўзгор тебратиш, хотиржам яшашларига кафолат бера оладими?

— Бу саволга батафсил жавоб бермоқ учун аввало халқ хўжалигининг қайси бўғинларида жиноятчиликнинг мураккаб кўринишлари юзага келаятганлигини аниқлаб олиш зарур. Хўжасизликдан тортиб иқтисодий қўпоровчиликкача, оддий кассавурликдан тортиб қотилликкача, маҳфий иқтисодиётдан тортиб бузғунчиликкача бўлган жиноятлар шу даражада бир-бирига боғланиб кетганки, эндиликда бундай кўринишларни оддий фуқаролар ҳам содда қилиб, «мафия» деб атайдиган бўлдилар.

Мафия нима? Уюшган жиноятчилик-чи? Иқтисодий қўпоровчилик-чи? Уларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат? Хуллас, бу соҳада қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида юқоридан бирмунча тўхталдик. Яна қўшимча қилиб шуларни айтиш мумкин: аввало одамларнинг тинч ишлаб, хотиржам яшашларига ҳалал бераётган муаммолар хусусида гапирсак.

Биз юқоридан қанча уюшган жиноий гуруҳи фаолиятининг айтиб ўтдик. Улардан 8 таси жумҳуриятлараро жиноий алоқада бўлганлигини ҳам таъкидладик. Ана шу гуруҳдан бирига 1969 йилда туғилган осетин миллиатига мансуб Аван Ҳетагович Жанаев бошчилик қилган. Бу гуруҳи жами беш кишидан иборат бўлиб, улар асосан бандитлик билан шуғулланишган. Фуқароларнинг хонадонига бостириб кириш, талончилик ва зўрлик ишлатиш, қўрқитиш ва ҳаётига тажовуз қилиш йўли билан уларнинг жами 104 минг сўмлик мол-мулкани эгаллашган. Бандитлар «Наган» типидagi ва Германияда ишлаб чиқарилган «Вальтер» типидagi пистолетлар, пичок, кўздан ёш оқизувчи, захарловчи ва портловчи моддалар билан қуролланган.

Бу тўданинг Тошкент шаҳридаги Юнусобод даҳасида ва Чирчиқ шаҳрида содир этган сўнгги уч жинояти охиригача аниқланган. Бандитлар чирчиқлик бир фуқаронинг уйига бостириб кириб, унинг кўпминг сўмлик мол-мулкани эгаллаш билан қиёланиб қолмай, балки ундан ана 150 минг сўм пул талаб қилишган. Улар шу пулни эртаси кун тайинланган жойга элиб беришни уқтиришган. Бу фуқаро эса бандитлар кетган, дарҳол Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимига хабар берган. Белгиланган вақтда пулга келган тўдани қўлга олиш чоғида шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори Шестақ жиноятчилар томонидан отиб ўлдирилган.

Суд жиноий гуруҳи бошлиғи А. Жанаевни ўлим жазосига, М. Бедоевни 14 йил, А. Черчесовни 13 йил, А. Елоевни 12 йил ва О. Елоевни 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Фуқароларнинг 104 минг сўмлик мол-мулкани ва қимматбаҳо буюмлари ўз эгаларига қайтариб берилди.

Иккинчи мисол: А. Абдиюсупов ва А. Бековлар бошлиқ уюшган жиноятчилар тўдаси фуқароларнинг шахсий машиналарини кирага ёллаб, хилват жойларда машина эгаларини ўлдириш, машиналарини турли вилоятларга олиб бериб, арзон гаровга сотиш билан шуғулланишган. Пулларни ўртада тақсимлашган. Улар ўлдирилган кишиларнинг жасадларини канал ва зовурларга

ташлаб кетиш билан жиноят ишларини ёпиб юришган. Терговда шу нарса маълум бўлдики, бу тўда учта «Жигули» ва битта «ГАЗ-24» автомашиналарининг эгаларини ўлдириб, машиналарини турли вилоятларда, сотиб юборишган.

Суд жиноий тўда бошлиқлари А. Абдиюсупов билан А. Бековни ўлим жазосига, Тиллаева, Уролов, Тошматов ва Абдурасуловларни турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Биз 1630 та уюшган жиноий гуруҳдан фақат иккитасинигина мисол келтирдик, холос. Қолган уюшган жиноий гуруҳларнинг қандай мудҳиш воқеалар содир этганлигини ва қўлга олинган ўша бандитлардан қанча одамларнинг ҳаёти, мол-мулкани сақлаб қолинганлигини тасаввур қилиб кўринг-а. Жумҳурият прокуратураси одамларнинг тинч ишлаб, осойишта ҳаёт кечиртишлари учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгиламоқда. Бу борада меҳнаткаш халқимиз ҳам бизга кўмак бериб туриши керак.

Энди тўқинроқ рўзгор тебратиш ва жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг кўраётган тадбирлари ҳақида. Ўзбекистон ССРда аҳолига энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорини олиб кўрайлик. Унинг 8-бандида Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети ходимлари зиммасига Вазирлар Маҳкамасининг жумҳуриятимизда ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлари бажарилишини қаттиқ назорат қилиш вазифаси топширилган.

Ҳозир тегишли органлар томонидан жойларда ўтказилаётган текширишлар шундан далolat бермоқдаки, мураккаб вазиятдан фойдаланиб, харидорлар ҳақида, болалар, қариялар, ногиронлар ризқига чанг солаётган кўплаб савдо ходимлари ва уларнинг бу ишга алоқадор раҳбарлари устидан жиноий ишлар кўзга ташлана бошланди. Бу тадбирлар яқин кунларда савдодаги тартибсизликларни маълум даражада изга солишга кафолат беради.

Одамлар турмуши даражасини яхшилаш юзасидан Иттифоқ Президенти ҳам талай фармойишлар бермоқда. Бироқ жумҳуриятимиз Президенти эса маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олиб, ана шу қабул қилинган қарор ва фармойишларга бир қанча қўшимчалар киритаётганлиги унинг Ўзбекистон халқини турли қийинчиликлардан ижтимоий ҳимоялаш учун нақадар жон куйдираётганлигини кўрсатиб турибди.

Ёки ер ислоҳоти ва қишлоқ меҳнаткашларининг томорқа хўжалигини кенгайтириш, хонадонларда чорва молларини боқишга кўмаклашиш борасидаги фармонларига эътибор беринг. Буларнинг ҳар бирида тўқинроқ рўзгор тебратиш масаласи кўзда тутилган-ку! Хўжаликларнинг минглаб гектар серҳосил ерлари одамларга томорқа учун ажратиб берилмоқда. Хўш, томорқа олганларнинг ҳақмаси ҳам ундан унумли фойдаланишмоқдами? Дастурхон тўқинлигига ҳисса қўйиш учун жон куйдиришмоқдами? Афсуски, қанча томорқа ерлари қаровсиз, бўш ётибди. Демак, рўзгорнинг тўқин бўлиши учун ўзимиз ҳам, томорқа эгалари ҳам масъулиятни ҳис қилишлари керак-да. Деҳқон бозорининг арзонгарчилиги кўп жиҳатдан шахсий хонадон ҳосилига боғлиқдир. Яна бир аччиқ ҳақиқат: кейинги 5—6 йилда фақат «бер-берга мазохўрак бўлиб қолди. Ўзимиз етиштириб бозорга чиқармасак ёки давлат омборига топширмасак, давлат қардан олсин, ахир! Қачонгача жумҳурият ташқарисидан ҳар бир нарсани олтин баҳосида олиб келаятирми? Ўзимизда етиштириш мумкин бўлган ҳолда ташқаридан 2—3 баравар қимматига келтириляётган ўша маҳсулотга сарфланаётган маблағ ҳам ўзимизнинг қўнғимиздан кетаётганлигини унутмаслигимиз керак. Менимча, бу соҳада бошдан дўппини олиб чуқурроқ ўйлаб кўрилса, танти, меҳнаткаш халқимиз билан фикримиз бир жойдан чиқишига ишончим комил.

Иқтисодий қўпоровчиликка қарши олиб бориляётган кураш кескинлашиб турибди. Муштарийларимизни жиноий гуруҳларга қарши кураш борасидаги ишларимиз билан бир қадар таништира олдик чамамда. Аммо бу билан иш ҳал бўлди дегани эмас. Асосий кураш ҳали олдинда. Таъкидлаганимиздек, жиноятчиликнинг илдири чучурдир. Демак, унга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур.

Суҳбатдош: шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими муdiri Саҳобиддин СИРОЖИДИНОВ.

(«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасидан).

ҚОНУН—АМАЛДА

МАСТЛИКДАГИ ШЕРЛАР

Будённий номли давлат хўжалиги катта участка вакили, милиция капитани Усмон Холматов, участка вакили, милиция лейтенанти Абди Туропов ҳамда ДАН ходими, милиция старшиниси Норпўлат Авлаевлар йўл ҳаракатини биргаликда назорат қилишаётганди. Чамаси соат 21 ларда келаётган трактор уларнинг эътиборини тортди.

Трактор ҳайдовчиси милиция ходимларининг тўхташ ҳақидаги ишораларига аввалига бўйсунгиси келмади. Ноилож қолгач, тўхтади. У Ажрим қишлоғида истиқомат қилувчи, 1947 йилда туғилган Аҳмад Тиловов бўлиб, айни пайтда маст экан. Унинг Қамашдаги паррандачилик фабрикасида катта зоотехник бўлиб ишлайдиган ўғли Алишер Тиловов отасининг ёнини олиб, милиция ходимларини ҳақорат қила бошлади.

Яқинда халқ суди бу масалани атрофлича ўрганиб чиқди ва кайфининг зуридан ўзини шердек ҳис қилган ота-боланинг попугини пасайтириб қўйди. «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш ҳақида»ги қонунга мувофиқ отадан 50 сўм миқдорда жазима ундириб олинди. Уғил эса икки ой муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинди.

Баҳриддин АЛИҚУЛОВ, Яқабоб тумани ИИБ бошқирмишнинг ўринбосари, милиция капитани.

ИШЕЎҚМАС ЎҒРИ

Коммунистик тумани Ишқишлоғида яшовчи Н. Пак ИИБга уйдан 1500 сўмлик мулки ўғирлангани ҳақида хабар берди. Дастлабки суриштирув чоғида гумон 1969 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган П. Савченкога тушди. Тахмин бўйича текширув ўтказилганда, унинг уйдан Пакка тегишли буюмлар топилди.

П. Савченко ЎзССР ЖМ 125-модда 3-қисми билан айбдор топилди, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

М. ИБРОҲИМОВА.



Хизмат давомида ортирган даридан фориғ бўлиш ниятида Наманган шифохонасига йўл олдим. Тўрт қаватли госпитал биносидан чоратрофдаги баланд-паст адирлар кафтдек кўриниб тураркан. Ердан чечаклар бош кўтарибди. Айланиб ташқарига чиқдим. Янги қурилиб битай деб қолган шифохона биноси олдида хаёлга берилган, беморлар кийимидаги салобатли кишини кўриб яқинлашдим. Саломлашиб кўришдим.

Шифохонамиз кичрайиб қолганди, — дея аста сўз бошлади у киши. — Шаҳар катталари билан маслаҳатлашиб унинг ҳудудини кенгайтирдик. Орқа томонга кир ювиш хоналари, ошхоналар, бу ерда эса қўшимча даволаниш корпуслари қурдик. Ички пардозлаш ишлари кетмоқда. Келаси йилдан фойдаланишга тушади. Халқаро аҳамиятга эга бўлган шифохоналардан бири бўлади.

Кейинроқ бу киши Улуг Ватан уруши қаҳрамони, яъни Шухрат орденининг тўла кавалери, айни пайтда вилоят ички ишлар бошқармасининг хўжалик бўлими бошлиғи милиция полковниги Ганижон ака Валиев эканлигини билдим. У киши ҳам шу шифохонада даволанаётган экан. Бўш пайтда бафуржа суҳбатлашиш имконияти бўлмади. Ташриф буюрувчи дўсту биродарлар кўп эди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари рухсати билан бошқарма музейидаги ушбу суратни қайтариш шарти билан олдим ва баъзи материаллар билан танишиб, қуйидаги лавҳани ёзишга муваффақ бўлдим.

Наманган туманининг Энгельс номли жамоа хўжалиги комсомол-ёшлар бригадаси Г. Валиев етакчилигида гўза парвариши ва чорвага

НАМАНГАНЛИК ҒАНИЖОН

ем-хашак йиғишда хўжалик бўйича ғолиблик қилишарди.

1941 йил 22 июндаги фашистлар Германиясининг Ватанимизга эълон қилинмаган уруши мамлакатимиз ҳаётини бошқа изга буриб юборди. Ғанижон Валиев биринчилардан бўлиб ўз хоҳиши билан ҳарбий комиссариатга борди. Қисқа ҳарбий курсни битиргач, Сталинградда биринчи марта жангга кирди. Она гупроқ соғинчи, ҳалок бўлаётган ўртоқлари, юртдошлари учун қасос олиш истаги ҳамма нарсадан устун келаётганлигини юракдан ҳис қилиб: «Душманларни токи уясигача ҳайдаб бораман», — деб қасам ичди. Лекин у 1943 йилнинг 12 августидан

ғоққа 20-30 метр қолганда душман сезиб қолиб, автоматлардан ўт очишди. Қирғоққа чиқиб олишга улгурган жангчиларимиз эса автомат, қўл пулемётидан душманга қарата ажал уруғини ёғдиришди, бир неча граната улоқтиришди. Портлашдан ҳосил бўлган тутун ичидан бир киши қўл кўтариб келарди. У унтер-офицер экан.

— Озчилик экансизлар. Таслим бўлинглар! Бўлмаса қириб ташлаймиз. Михаил Петров ер бағирлаб келиб асирни шартта бўйнидан бўғиб, пастликка улоқтирди. Душман истеҳкомини яхшилаб ўрганган Ғанижон бошлиқ разведкачиларимиз моҳирона жанг қилиб,

ертўла дарвозаси мустаҳкам бўлиб, очишни иложи бўлмади. Разведкачиларимиз телефон симларини узишди, сўнгра танкка қарши отиш гранатасидан фойдаланишди. Кутилмаганда тепаликдан душман пулемёти сайраб қолди. Қисқа олишувдан сўнг немис офицери асирга олинди. Ғанижон гуруҳи билан ташқарига чиқди. У асирни бир неча йиғитига топшириб:

— Сизлар келган йўл билан буни олиб боринлар, биз эса душманга ҳужумни давом эттирамиз, — деди.

Туман қуюқлигидан фойдаланиб душман билан қўл жангига ўтилди. Бу пайт Ғанижон пулемёт овози чиқаётган нуқтага яқинлашиб, граната улоқтирди. Пулемёт овози ўчди. У пулемётни душман томонга буриб сайрарата бошлади. Асосий топшириқ аъло даражада бажариб бўлинганди. Сўнг разведкачилар орқага чекинишди. Бу жанговар топшириқни бажаришдаги жасорати учун Г. Валиев II-даражали Шухрат ордени билан мукофотланди.

Наманганлик оддий деҳқон фарзанди Ғанижон гитлерчиларни Берлингача қувиб борди. Рейхстаг биноси тепасига Совет Иттифоқи байроғини тикишда, Ғалаба Парадидан ғолибона ўтишда иштирок этишдек бахтиёр дамларни кўришга муяссар бўлди. Оқопда ариза ёзиб, Коммунистик партия сафига кирган кичик лейтенант Г. Валиев Берлин учун бўлган жангда I-даражали Шухрат ордени билан мукофотланди.

Урушдан сўнг Г. Валиев Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги хўжалик бошқармаси бошлиғи, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси хўжалик бўлими бошлиғи лавозимларида намунали хизмат қилди.

Наманган вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармасининг масъул ходими, захирдаги полковник Ғанижон ака Валиев хизматлари учун ҳукуматнинг йигирмадан ортинч ордени билан медаллари, фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Айни пайтда у ўз коллективи, маҳалла-кўйи, оиласи ва ёшлар ўртасида иззат-икромда.

Х. МУҲИДИНОВ, милиция старшиниси.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 46 ЙИЛИГИ ОЛДИДАН

Курск-Харьков йўналишидаги шиддатли жангларнинг бирида қаттиқ яраланди. Бир неча кундан сўнг ўзига келгач, уни юртига жўнатишларини маълум қилишди.

— Йўқ, йўқ, — деди Ғанижон госпитал бошлиғига, — мен агар ўлмай қолсам, Берлингача боришга онт ичганман.

— Начора, мард йигит экансан. Ватан тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда қароринг қатъий экан, нима ҳам дердим, — деди госпитал бошлиғи.

Гвардиячи взвод командири ёрдамчиси Ғанижон Валиев қуролдошлари Ленин, Қизил Байроқ ва Суворов орденли 61-ўқчи дивизиясида Нарва дарёси яқинида ҳужумга тайёргарлик кўришарди. Унга ўн беш кишилик гуруҳ билан душманга сездирамасдан дарёдан кечиб ўтиш, душман билиб қолгудай бўлса, уларга қарши ўт очиб чалғитиш, қўшинларимизнинг дарёдан ўтиб олишларига шароит яратиш вазифаси топширилди. Ғанижон дарёни чуқур ва саёз жойларини ўрганди. Дарёнинг соҳилига тиконли симлар, майда симдан тўқилган қопқонлар қўйилганлиги маълум бўлди. Ҳадемай бу тўсиқларга қарши асбоб-ускуналар олиб келинди. Тўсиқлар зарарсизлантирилиб, бизникилар Нарва дарёсидан сузиб ўта бошлашди. Лекин қир-

душманни бир неча соат ушлаб турди, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Бунинг учун Г. Валиев III-даражали Шухрат ордени билан мукофотланди. У хизмат қилаётган дивизия Шарқий Пруссияга кириб борди. Лекин фашистлар қаттиқ туриб қаршилик кўрсатишарди. Чунки Пруссия олинса, Германияга йўл очиларди. Мустаҳкам қалъага айланган «Н» қишлоғи учун икки кеча-кундуз жанг бўлди. Взвод командири ўринбосари Г. Валиевни учинчи кун чакиртириб:

— Муҳим «тил» керак бўлиб қолди. Гуруҳга бошчилик қиласиз, — деб буйруқ берди.

Гуруҳ йўлга тушди. Ҳаммаёқ туман. Қўрғондаги немислар штабиди милтиллаган чирок нури кўринди. Валиев шивирлаб Петровга буйруқ берди:

— Ўз гуруҳинг билан чиқиб йўлни эгаллайсан, биз эса орқадан айланиб ўтамыз.

Деразадан аста мўралашди. Фашистлар катта стол атрофида овқатланишаётган экан. Ғанижон орқага 1-2 қадам ташлаб, хона ичига граната улоқтирди. Биринкетин яна граната отилди. Улганлари ўлди, қолганлари жон-жаҳди билан эшикка — қопқон томонга қочиб чиқди. Шу пайт кимдир штаб ертўлада бўлса керак, деб қолди. Лекин

НАФС БАЛОСИ

Юра қўлига «Шавкат» ширкати муҳри босилган ишонч қозғоқларини олди-ю, шахсий машинасига ўтириб, Пермь шаҳрига жўнаворди. Йўлда кетар экан, «бахтимга у-бу нарсаларни топайдан», деб хаёлидан ўтказарди у.

Шаҳар автомобиль эҳтиёт қисмлари дўконидан керакли нарсаларни харид қилди. Энди олдида Москва турарди. Бу ердан ҳам баъзи бир ноёб машина қисмларини нақд пулга сотиб олди. Узида йўқ хурсанд. Қўшиқ ҳиргойи қилиб уйга қайтар экан, миясидаги фикрлар чалқашиб кетди.

Мақсадимиз автомобилларга хизмат кўрсатиш ширкатини очиш. Ҳали у очилмаган. Жой ҳам йўқ. Фақат рансда рухсатнома бор, холос. Уйга келаманда, бу эҳтиёт қисмларни бозорга олиб чиқиб пуллайман. Кейин яна тушган пулларга яқин-уч баробар кўпайтириб «запчастилар» олиб келаман.

Ҳисоб-китоб қилавериб, боши говлаб кетди.

...Пойтахтнинг Ленин тумани Свободная кўчасида яшовчи Юрий Савельев машинасини гаражга олиб кириб, ярим молни туширди-да, қолганини Отчопар бозорида

чайқов нархида пуллаш учун у ерга равона бўлди.

Савдо яхши кетаётган эди. Тўсатдан Чилонзор тумани ИИБ БХСС бўлимиси катта оператив вакили милиция капитани Рустам Мирсоатов ва оператив вакил милиция катта лейтенанти Фахриддин Пирмухамедовлар унинг бозорини қасод қилишди.

Машинасидаги фаралар, линзалар, «Москвич» ойна-

сининг пластмассадан ясалган панжаралари, лампочкаларни топиб олишди. Оператив вакиллар қолган эҳтиёт қисмларни ҳам гараждан туман ИИБга олиб келишди.

Қарийб 2000 сўмлик анқонинг уруғи бўлмиш эҳтиёт қисмлар мусодара қилинди.

Энди 1953 йили туғилган Юрий Савельев тергов бўлимиси ходимларига ўз фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беради ва тегишли жазосини олади.

Ҳабиб ШУКУР.



СУРАТЛАРДА: 1. Чилонзор тумани ИИБ БХСС бўлимиси катта оператив вакили милиция капитани Рустам Мирсоатов қўлга туши-

рилган «ўлжалар» билан. 2. Ноёб эҳтиёт қисмлар. Муаллиф олган суратлар.

— СССР Президентини билан тўққиз жумҳурият раҳбарларининг қўшма баёоти руҳини кескинлиги ва қатъийлиги билан ажралиб турибди, шунинг ўзини кўп кишилар учун қутқилмаган ҳодиса бўлди. Аммо у турлича кутиб олинди. Ислон Абдуғаниевич, бу ҳужжатни ўз вақтида қабул этилган деса бўладики, у кечиктирилган бўлганми?

— Ҳозир баъзи кишилар: биз жар ёқасида турибмизми ёки ҳозирнинг ўзидаёқ унга қулай бошладикми? — деган гап теварагида баҳслашмоқдалар. Менинг фикрим мана бундай: биз чоҳ ёқасига келиб қолдик ва инқирознинг олдини олиш учун шонлини чоралар кўриш зарур. Аммо бизнинг қўшма баёотимиз бундан аввал пайдо бўла олмас эди — бунинг учун кўп машаққатлар чекиш, биз бошдан ўтказган нарсаларнинг ҳаммасини бартараф қилиш, бир ёқадан бош чиқариб ва янги тажрибани ҳисобга олиб ҳаракат қилиш зарурлигини англаб етиш, моҳият эътибори билан мустақил давлатлар иттифоқининг негизини яратиб керак эди.

— Бироқ атиги икки ой муқаддам иттифоқ шартномасини имзолашга тайёр эмасман, деган эдингиз. Фикрингиз нечун ўзгарди қолди?

— Уша пайтда, бундай шартномани қуйидан, яъни иттифоқдош жумҳуриятларнинг таклифлари асосида тузиш зарур деб ҳисоблар эдим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман. Илгарилар биз баҳслашардик, исбот қилардик ва... ўз фикримизда қолиб, тарқалиб кетардик. Уша учрашуларда мен: агар ҳамма иш сўзасмоликдан нари ўтмайди деса, биз нега йнгилашми? деб ўйлар эдим. Унитар давлат тарафдорлари билан Иттифоқ таркибидан ажралиш, чиқиб кетиш иштиёқида бўлганлар ўртасида беҳуда баҳсларнинг нима ҳолати бор? — деган фикр ҳам бор эди.

Гапимга ишонаверинг, бу — укубатли фикр-мулоҳазалар эди, чунки ҳатто марказдан қочирма кучлар устунлиги яққол кўриниб турган жумҳуриятларда ҳам ўзларини Иттифоқдан ташқари тасаввур этмайдиган бир талай кишилар яшаб туришибди. Хўш, нима қилиш керак?

Ҳозирги вазиятда, менимча, фақат икки йўл бор. Биринчиси — иттифоқдош жумҳуриятларга таяниб, бизни бирлаштириб турган умумий жиҳатларни топиш ва ҳамма масалаларни шонлини равишда ҳал этиш йўли бўлса, иккинчиси — диктатура йўлидир. Эҳтимол, диктатура бирон-бир вақтга эски иқтисодий алоқаларни тиклаш мумкиндир. Дарвоқе, Марказий Комитетнинг Пленумида баъзилар фавқулодда ҳолат жорий этишни таклиф қилдилар. Аммо биз ҳозир 91-йилдан 85-йилга, итоат-гўйларча келишувчиликка, юқоридан режалаштиришнинг эски усулларига қайтишга рози бўла оламизми? Қайта қуриш энг муҳим нарсани; халқнинг ўзлигини англашнинг ўзгартирди. Тўғри, биз ҳозирча уни рўёбга чиқара оламизми. Асосий тўсиқ шуки, марказ билан жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатлари ҳали белгилаб олинган йўқ. Жумҳуриятларнинг мустақиллиги тўғрисидаги декларацияларни СССР Олий Кенгаши тан оладими ёки йўқми, жумҳуриятларнинг парламентларига у қандай муносабатда бўлади, буни ҳатто билмаймиз ҳам. Агар марказ жумҳуриятларнинг қонунларини рад қилиши ёки уларга розилиги маълум бўлмаса, «қонунлар уруши» ҳақида қандай қилиб гапириб бўлади.

«Жилонни қўлдан бермасликка», марказнинг ҳамма вазифаларини авайлаб-асрашга, унитар давлатни сақлаб қолишга интилайтган кучлар ҳам борлигини кўриб

турибман. Бизнинг қўшма баёотимизга қаршилиқ қилиш, уни кучайтиришга уришлар ҳам бўлиши, шубҳасиз. Бу соҳада кураш бўлишини фахрлаб турибман.

— Сизнинг назарингизда, марказ учун ва жумҳуриятлар учун бу баёотдаги энг муҳим жиҳат нима, нималарни ҳимоя қилишга тўғри келди?

— Энг муҳими шуки, биз кирмоқчи бўлган ва шу мақсад йўлида Иттифоқ Шартномасини имзолаш мўлжалланаётган иттифоқ-Федерация жумҳуриятларнинг чинакам мустақиллигига таянадиган бўлсин, у мустақил тенг ҳуқуқли давлатларнинг иттифоқи бўлиб қолсин. Бу — биз учун энг муҳим қоидадир. Шунга биноан Иттифоқ тузилишининг ваколатлари ҳам юқоридан буюрилмай, балки қуйидан белгилашни лозим. Бунинг маъноси жуда катта, бироқ кучли жумҳуриятлардан муайян ҳокимият вазифаларини олган марказ ҳам кучли бўлишига шубҳаланмайман. Модомки марказга ўзимиз ваколатларни берсак ва унинг

мақбул муносабатлар қарор топади, бу муносабатлар шароитида ҳар бир алоҳида жумҳуриятнинг манфаати умуман иттифоқнинг ҳам манфаатига айланади.

Шартномада биз Иттифоқ қарамоғига берадиган соҳалар: жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари, йирик тармоқ дастурлари ва албатта, темир йўл ҳамда ҳаво транспорти, мудофаа комплекси ва шу кабилар аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим, деб ўйлайман.

Жумҳуриятлар эса Иттифоққа киргач, масъулиятинигина эмас, шу билан бирга федерациянинг афзалликларини ҳам ҳис қилишлари керак. Бу федерация ихтиёрий ҳамжамият бўлиб, унда меҳнат тақсмоти ҳам, кооперация ҳам бўлади, заруратга қараб энг муҳим умумий вазифаларни ҳал қилиш учун куч-ғайратлар ва имкониятлар бирлаштирилиши лозим бўлади. Мисол учун Ўзбекистонни олайлик. Биз Иттифоқдан ташқарида жуда заиф бўлиб қолишимизни

читаётганим йўқ. Бироқ шу масала пайдо бўлади.

— Қўшма баёотда тангликка қарши биргалликда чоралар кўриш ҳақида гапирилган, бу ўринда нималар назарда тутилади?

— Аввало, Иттифоқнинг ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг бюджетини тузиш ҳақида. Ҳозир биз нарх-навои ислоҳ қилар эканмиз, агар аҳолига ваъда қилинган даражада компенсация бера олмасак, халқнинг ишончидан бутунлай маҳрум бўлиш хавфи остида турибмиз. Шундай қилиш жуда зарур.

Йилнинг биринчи чорагида Иттифоқ бюджетига 31 миллиард сўм тушмай қолди, чунки тушумлар тизими ва умуман солиқ сиёсати пухта ўйлаб тузилмаган. Бироқ, одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш — энг муҳим масала. Тангликка қарши чора-тадбирларнинг асосий маъноси шуки, барча жумҳуриятларда халқ зарур маҳсулотлар билан таъминланадиган бўлсин.

Ўз-ўзидан равшанки, биз ҳаммамиз энг муҳим Итти-

зирча тангликка қарши дастур умумий тарздагина чиқиб қўйилган, аммо у аниқ мазмун билан ва ижро востаси билан тўлдирилмаган, ҳудудларга яқинлаштирилмаган. Уни амалга ошириш востасини ишга солингандан кейин у кучга эга бўлиб қолади, аммо уни жумҳуриятларнинг ижроия идораларини ишга солмай бажариб бўлмайди.

— Фуқароларни иттифоқсизликка, иш ташлашга гиж-гижлашга қарши огоҳлантиришнинг Ўзбекистон учун қандай аҳамияти бор, жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга қандай баҳо берасиз ва сизнинг тахминингиз қандай?

— Ўзбекистон мамлакатининг қолган қисмидан тўсиб қўйилган эмас, ижтимоий беқарорликдан эса ҳеч қандай чегаралар ёки таъқиқлар билан ҳимояланиб бўлмайди, фақат олисини кўзловчи оқилонга сиёсат юритмоқ керак. Шахтёрларнинг иш ташлашлари ва аҳолининг бошқа шаклдаги норозиликларини пасая бошлагани муҳимдир. Менинг назаримда, бу ҳам қўшма баёотнинг натижасидир. Чунки қўшма баёот ҳуқуқатларга ва ҳокимият тузилмаларигагина эмас, шу билан бирга сиёсий партияларга, ҳаракатларга, жамоатчиликка ҳам қаратилгандир. Биз ҳаммага ихтилофларни, сиёсий манфаатпарастликларни йнгиштириб қўйиш ҳақида қуруқ илтимос билан эмас, балки биринчи галдаги чора-тадбирларнинг аниқ дастури билан муурожаат этдик. Агар бу дастурларга хайрихоҳлик билан оқилонга ёндашилмаса, ялли инқироз шароитида эртага ким сўл-у, ким ўнг эканини ажратиб оладиган кишининг ўзи бўлмайди. Зотан, ҳозир соғлом фикр ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Ҳозир марказ билан жумҳуриятларнинг вазиятини соғломлаштиришга қаратилган ҳамма чора-тадбирлари қил устида турган барқарорликни сақлаб қолиш, меҳнаткашлар билан мулоқот бошлаш, ҳамжиҳатликка эришиш имконини беради. Таъбир жоиз бўлса, ялли кескинлик вазиятида (Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас) жумҳуриятдаги меҳнат жамоалари, айрим ҳаракатларнинг раҳбарлари ҳар ҳолда ўз режаларини, менимча, мамлакат жамоатчилиги фахрлаб бошлаган оқилонга қарашларга бўйсундирмоқдалар. Ижобий дастур асосида ижтимоий-сиёсий вазиятни тангликдан халос этиши мумкин.

Ҳозирги пайтда тахминлар қилиш жуда мураккаб, бироқ мен шунга аминман: агар яқин кунлар ичида бизнинг қўшма баёотимизни аниқ мазмун билан тўлдиришга муваффақ бўлинка, иттифоқ яшайверади. Бундай қилиш ҳар биримизга ва аввало СССР Президентига боғлиқ, бу ўринда ҳеч иккинлашмасанга СССР Президентига боғлиқ эканини айтиш мумкин. Бу фақат менинг фикримгина эмас, бошқа иттифоқдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари ҳам шу фикрдадирлар.

Агар икки раҳбар — М. Горбачев билан Б. Ельцин биз билан бирга ўзлари имзолаган ҳужжат маъқеда қатъий турсалар, иттифоқ шартномаси тез орада тузилишига ишончим комил. Шу босқичда зарур бўлган ҳамма ишлар, менимча, қилиб бўлинди, бошқа баёотлар ва нутқларнинг кераги йўқ. Озини қутқилган шартномани энди пайсалга солиш ярамайди. Биз иттифоққа не-не машаққатлар билан эришганмиз.

Сухбатни А. ОРЛОВ олиб борди, «ИЗВЕСТИЯ»нинг ўз мухбири.

ТОШКЕНТ  
[«Известия» рўзномасининг 2 май сонидан].

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ:

# «БИЗ ИТТИФОҚҚА НЕ МАШАҚҚАТЛАР БИЛАН ЭРИШГАНМИЗ»

ҳуқуқ доирасини аниқ фарқлаб қўйсақ, унинг қарорларига қарши эътироз билдириш — ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Шу қоида атрофида кўп гап-сўзлар бўлди. Сирасини айтсам, биз дарров бир фикрга кела олмадик.

Янгиланган федерация барпо этилгунча қатъий конституциявий тартибни сақлаб туриш, мамлакатимизнинг 1991 йилдаги турмушини белгилайдиган иқтисодий битимни бажариш ҳам жуда муҳимдир.

Бўлғуси Иттифоқ Шартномасига келганда шуни айтиш керакки, мен кўпгина жумҳуриятларнинг шартнома нусхалари билан танишман. Биз—Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари яқинда Киевда йнгидик. Ҳамма нусхаларни муҳокама қилдик. Биз иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳуқуқларига ҳамда мажбуриятларига бир хил ёндашармиз. Мен Урта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан гаплашдим, уларда эътироз йўқ. Озарбайжон Президентини ҳам қарши эмаслиги менга маълум. Мана шу ахдлашувлар билан тўппа-тўғри иттифоқ ҳужжатини имзолашга рози бўлиш мумкин.

— Иттифоқ Шартномасини имзолайдиган жумҳуриятлар ўзлари учун мумкин қадар қулайлик тартибни ўрнатиб оладилар. Бу нарса жумҳуриятлар учун, жумладан, Ўзбекистон учун нима билдиради?

— Ҳозирги аҳволимизнинг фожиали жиҳати шуки, марказ билан ижроия алоқаларни узилиб қолди, мамлакат Олий Кенгашининг қонунлари ва Президентнинг фармонлари жумҳуриятларда бажарилмаяпти. Буни ҳозирги энг катта зиддият деса бўлади. Аммо биз ихтиёрий равишда федерацияга кириб, марказ билан алоқаларнинг мунтазам тизимини белгилаб олишимиз биланоқ, шу тариқа ўзаро масъулият тизимини ҳам белгилаб олган бўламиз. Ниҳоят, оқилонга, энг

равшан тушуниб турибмиз. Биз ҳамма учун мажбурий бўлган ҳужжатларни имзоласак, хўжалик муносабатларидаги ҳар қандай бўша-шувчанликка йўл ҳам, имконият ҳам бўлмай қолса, у ҳолда бизнинг жумҳуриятимизда ҳам, бошқа жумҳуриятларда ҳам иттифоқни ҳеч кимга тарғиб қилишга эҳтиёж қолмайди. Жумҳуриятларро алоқаларнинг устунлиги ҳар бир корхонага иттифоқдош жумҳуриятларнинг ёрдамига таяниб ишлаш ва ривожланиш имконини беради, меҳнат жамоалари эса исрофгарчиликларга, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига, иш ҳақининг камайишига йўл қўймасликка муваффақ бўладилар.

— Шартномани имзоламайдиган жумҳуриятларчи, улар қандай аҳволга тушадилар?

— Шунинг дарров айтиб қўя қолай, биз қолган олти жумҳуриятни бирон — бир тарзда камситиш ҳақида оғиз ҳам очганимиз йўқ. Қўшма баёотда уларнинг Иттифоқ Шартномасига қўшилиши масаласини мустақил ҳал этишга тўла ҳақли эканликлари айтилган. Бироқ, бу жумҳуриятлардаги турли-туман сиёсий баёнотлар ва декларациялар иқтисодий ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланмаганлиги мени ажаблантиради. Уларнинг раҳбарлари, агар Иттифоқдан чиқсалар, ўз имкониятлари доирасида одамларни боқиб ва кийинтиришни, нормал турмушни таъминлашни уздадай оладиларми ёки йўқми эканини билишларига амин эмасман. Келгусида шундай бўлиши мумкин: тўққизта жумҳурият ўзаро манфаатли муносабат ўрнатадилар, солиқ солиш, савдо-сотиб, бюджетни вужудга келтириш муаммоларини ҳал қилдилар, ана ушанда олти жумҳуриятдаги халқ, ниҳоят, энг муҳими нима — иқтисодий алоқаларни ёки сиёсатчиларнинг манфаатини? — деб ўйлаб қолади. Гапимга ишонаверинг, мен ҳеч кимни қў-

фоқ дастурларини — аввало экология дастурини рўёбга чиқаришда қатнашишимиз керак. Экология соҳасидаги муаммолар йил сайин ўткирлашиб бормоқда ва бир минтақадаги нохуш вазият иккинчисига ўтмоқда. Ҳозир Чернобыль ва Орол муаммолари энди дунё миқёсига чиқди, бу муаммоларни куч-ғайратларни бирлаштирмай туриб ҳал этиб бўлмайди. Биз мудофаа саноатини тинч еоҳага ўтказиш масалаларини тезроқ ҳал этишдан ҳам манфаатдормиз — бу ҳам муштарак муаммо-дир. Еқилги-энергетика дастури ҳам биз учун бефарқ эмас, бизнинг назаримизда бу дастур алоҳида бир жумҳуриятники бўлиши мумкин эмас. Шахтёрларнинг иш ташлаши бу нарса кўмир ҳавзаларидан мингларча километр наридаги бошқа юзлаб ишлаб чиқаришларга қандай таъсир қилишини кўрсатди. Биз ҳам шахтёрлар учун нормал шароит яратиб берилишини хоҳлаймиз, бу ишда ва тангликка қарши бошқа чора-тадбирларда қатнашишга тайёрмиз, албатта. Баъзи жумҳуриятлар бу чора-тадбирларни пул билан, бошқалари ресурслар билан таъминлайди, яна учинчилари эса қандайдир ҳисса қўшади. Биз фақат биргалликда ва онгли равишдагина қийинчиликларни бартараф эта оламиз, вазиятни ўзгартира оламиз. Бунинг учун эса бюджетни ва бюджетдан ташқари жамғармаларни вужудга келтириш лозим.

— Жумҳуриятларнинг мустақиллиги воқеликка айланди, энди ваколатлар гарчи ҳали қонун билан мустаҳкамланмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда фарқлаб қўйилди. Винобарин, тангликка қарши дастур иттифоқ қисмидан ва жумҳуриятлар қисмидан таркиб топиши керак экан-да?

— Шартноманинг сўнги нусхаси асосида Иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасида вазифалар фарқлаб қўйилганидан кейин ҳар бир жумҳурият аниқ нима қилиши кераклиги равшан бўлади. Ҳо-

# ОЛМИШУВ

РАСМАЛРИ Э. РАҲМАТОВ ЧИЗГАН

(Давоми. Боши ўтган сонда)

У ёнини кавлай бошлади. Вақтни атайлаб чўзарди. Тор кўчага бурилишларини кутарди. Қайрилишлари билан орқага қаради.

— Эҳ, гугурт ҳам тугабди. Аксига олиб машинанинг чўғ олдиригичи ҳам ишламайди. Нима қилдик? Воҳиджон, машинани тўхтадинг. Бирорта йўловчи машинадан ёндириб олақолайлик.

Зўраки ҳамроҳ эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, аммо чекиш хумор қилиб тургани учун шаштидан қайтди. Узича, «бу боқибегам, қўрқоқларнинг қўлидан нима ҳам келарди», деб ўйлади. Милитсия тагин ҳайдовчининг бўйнига қадади.

— Агар ҳунар кўрсатсанг, шерингнинг отаман. Фақат тез бўл.

Карим ака шошилганча кўча бошига чиқди. Измаиз келатган машина яқинлашиб қолганди. Яхшиям улгурди. Бўлмаса, улар ҳам шу кўчага бурилиши ва жиноятчи милиционерларни кўриб қолиши мумкин эди. Унда...

У тезда қайтди. Йўл-йўлакай сигаретни ўт олдириди.

— Мана бу бошқа гап. Ука, сенга ҳам битта сигарет сўраб олдим. Ма, гугурт ҳам ундирдим.

Унинг фикри шитоб билан ишларди.

— Ҳайда энди. Сен меникниям тутатиб бер.

У милитсия яна Карим акага тўғрилади.

— Нап-катта одам бўла-

туриб сенга сигарет ва гугурт олиб келдим. Айтган жойингга индамасдан олиб бораёпмиз. Ўзинг ёндириб олди, энди.

— Сен ҳароми хизматларингни пеш қилаёсанми? Мана бу хум каллангдан дарча очиб қўймаганимга шукур қил, галварс! Узат бу ёққа.

У милитсия тиззасига қўйди-да, қалтираётган қўллари билан гугурт чақиб, сигаретани чўғ олдира бошлади.

... Узоқ кутилган пайт келганди. Э, худойим, шарманда қилма. Майор жонжаҳди билан милитсия ташлабди. Бундай бўлишини кутмаган безори бир дақиқа бақрайиб қолди, сўнг даҳшатли қичқириб, милитсияга ёпишди. Олишув бошланди. Майор эпчиллик билан қуролни тортиб олди ва кўчага улоқтирди. Сўнг эшикка ўзини урган қотилнинг ёқасидан маҳкам ушлаб, ўриндиққа қисиб қўйди. Шу пайт машина тўхтагани. Орқадан қораматқора келатган машинадаги вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлимининг операвикили, милитсия лейтенанти Марат Асланов ҳам ёрдамга отилди. Жиноятчининг қўлига кишан солинганча, ички ишлар бошқармасига олиб борилди.

... Фуқаро кийимидаги милитсия ходимларига дуч келган бу кимса Бухоро тўқимачилик комбинати ишчиси, 27 ёшли Баҳром бўлиб чиқди. Баҳром ўша тунда шериги — газ саноати билим юрти толиби, 24 ёшли

Алексей билан шаҳардаги П. Неруда кўчасидаги 9-йўга борди. Хонадонлардан бирга кирдилар. У ерда кўпчилик ўтиришарди. Нончойдан кейин наша чекдилар. Сўнг ўртада низо пай-



до бўлди. Узоқ тортишишгач, кўчага чиқдилар. «Оғайни»лари Баҳромнинг шартига қўнишмагач, у қўйнидан эҳтиёт шарт олиб келган қирқма-милитсия олдиди, 32 ёшли М. Музаффаров ва 30 ёшли Л. Петровларни отиб ўлдирди. Қолганлар қочди. Қонни кўриб жазаваси ошган Баҳром ҳалиги иккаласининг кўкраги ва бошини мўлжаллаб, яна уч-тўрт марта тепкини босди. Кейин бошқа «улфат»ларини излаб кетди. Бир уй нарида Р. Зокиров ва О. Ежовлар қонга беланиб ётарди. Бу икки шўрликни Алексей

«тинчитган» эди. Шу пайт уни кимдир чақиргандай бўлди. Атрофга аланглади. Нарироқда Алексей Лакомкинани ушлаб турарди. Баҳром шартта ёнидан пичоқ чиқарди-да, жувоннинг юрагини мўлжаллаб урди. Қон булоқ бўлиб отилди. Қутуриб қетган қотил яна икки марта пичоқ санчди. Сўнгра улар қочиб кетишга улгурган яна икки «оғайни»сининг изидан тушишди. Алексей бошқа йўлдан, Баҳром эса катта кўчадан боришга келишиб олдилар...

Яхшиям Баҳромнинг қонли сафари тугади. Лекин Алексейни топиш керак. Шошилишч оператив гуруҳ тузилиб, иш бошлаб юборилди. Тонгга яқин у ҳам қўлга олинди.

... Бу мақолани нима учун ёзаётимиз?

Яқинда обрўли рўзнома-лардан бирида ҳурматли кишининг фикрини ўқиб қолдик. Унда ёзилишича, гўёки милитсияда ишлайдиганларнинг ҳаммаси қўрқоқ, бир нарса илнжиди юрвчи таъмагирлар эмиш. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, ўша кун машина ўғриларини ушлаш учун патрулликка чиққан милитсия майори нега ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлсада, жиноятчини ушлади? Унга ҳам жон ширин эди-ку! Ундан ташқари, ҳалиги кимсани айтилган жойга олиб бориб, кейин ёрдамчи куч чақирини ҳам мумкин эди-ку? Йўқ... Бундай қилишга биринчи ўринда унинг виждони йўл бермади. Ўз жонини жаборга бериб бўлса-да, қотилни қуролсизлантирди. Тенгсиз олишувда енгиб чиқди. Чунки унинг нияти тоза эди. У ўз бурчини бажарди. Унинг сафдошлари — фуқаролар тинчлигини қўриқловчи фидойилар ораминда ниҳоятда кўпдир. Фақат уларни кўра билиш керак.

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**  
Бухоро вилояти ИИБ ходими, милитсия лейтенанти.

**Абдул НАСАФИЙ,**  
журналист.

## ТЕКИН АСАЛ ЯЛАЙМАН, ДЕБ...

Шу йил 5 апрелга ўтар кечаси катта участка вакили, милитсия капитани Усмон Холматов, участка вакили, милитсия лейтенанти Қўзимурод Жўраев ҳамда ДАН ходими, милитсия кичик лейтенанти Ғани Очилловлар Бўдённий номли давлат хўжалиги ҳудудида хизматни ўташаётганди.

Хўжалик ғалла омбори яқинидаги дараклар орасида ғира-шира кўриниб турган машина уларнинг эътиборини тортди. Яқинроқ бориб қарашса, «Запорожец-968» белгили автомобилнинг олдинги ва орқадagi давлат номерларига атайлаб лой чапланган экан. Лекин атрофда ҳеч ким йўқ.

Начора, куттишди. Орадан анча фурсат ўтгач, уч киши 30 та рамкали асалар уясини олиб келиб, шошилганча машинага жойлай бошлашди.

Яккабоғ тумани ИИБда асалари ўғриланининг шахси аниқланди. Машина эгаси Марат Кисиков ва Асомиддин Ибрагимовлар Яккабоғ шаҳрининг Янгибод кўчасида; Шўхрат Рўзиев эса «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Олакўйлак қишлоғида яшар ва учови ҳам ҳеч қаерда ишламас экан.

Ўғирланган асалари уясн Қарши шаҳридаги 1-қурилиш трестига қарашли эканлиги ҳам маълум бўлди.

Ҳозир уларга нисбатан ЎзССЖ ЖМнинг 114-моддаси 2-қисмига мувофиқ жиноий иш қўзғатилган.

**Баҳриддин АЛИҚУЛОВ,**  
Яккабоғ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милитсия капитани.



## «САДОҚАТЛИ УЛФАТЛАР»

Ҳей, яхшилар, Зомин посёлкасидаги Охунбоев кўчасида истиқомат қилувчи, матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишлайдиган Салтанат Ҳотамназарованинг эрини танийсизларми? Йўқ? Нега энди? Улфат деса, жонини жабборга бериб юборадиган шундай «хўроз» одамни танимасликнинг ўзи гуноҳи азим эмасми, биродарлар?

Ҳозир сизларга бир воқеани айтиб бераман. Садоқату Ҳотамтойликда ягона бўлган, кундуз кунни чироқ ёқиб қидирилса, нусхаси топилмайдиган бу одамга ҳурматингиз олиб кетмаса, мен нафил. Исми нима, дейсизми? Ҳаҳ, нимаям эди, тилиннинг учиди турибди. Ҳай, майли, ҳозирги замонда хотиранинг каптархонадан фарқи қолмаган. Шартли равишда у одамни Хўжайин деб атасак, осмон узилиб ерга тушмас, а, лаббай?

Янгамиз (Салтанат Ҳотамназарова) 1990 йилнинг сўнги кунларида холамизни-кига кетган экан. Хўжайин эса, юқорида айтганмиз, Ҳотамтой деб, улфатларини меҳмонга чақирди. У кишининг одати шунақа: шерик бўлмаса атала ичса ҳам ичга тушмайди.

Улфатлари ким экан, дейсизми? Ховлиманг, омон бўлгур, сўрамасангиз ҳам ўзим айтаман.

Хуллас, улфатлардан бири — Акрам Маҳмудов. Ўзи

шу ерлик. 1960 йилда туғилган. Милитсияга қаршилик кўрсатганлиги учун ЎзССЖ ЖМнинг 192-моддаси 2-қисми билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳа, нима бўлди? Шўр боднинг еган одамдай афтингиз буришиб кетди. Шунақа, судланган, деса, тескари қарайди кўпчилик. Гапнинг сирасини айтганда, Акрам ҳам «хўроз» болалардан. Мияси зўри «Мардлик» қилганми, қувлик қилганми — бизга қоронгу, лекин Россия деган жойдаги «зона»дан қочиб келган. Яна милитсия томонидан қидирилатган эканда, гапнинг ўғил боласини айтганда!

Иккинчи меҳмон — Абдурашид Ҳасанов. У ҳам шу ерлик, зоминлик. У ҳам 1960 йилда туғилган. Муқаддам ўғирлик қилгани учун ЖМнинг 125-моддаси 2-қисми билан қора курсига ўтирган. Ҳозир ҳам назорат остида юраркан.

Вей, шу ўринда Хўжайиннинг багри кенглигига яна бир бор қойил қолмай илож йўқ. Шундай одамларни қўрқмай ёки қўни-қўшнилардан истиҳола қилмай тақлиф қилгани-чи?! «Гуман-

ний»лик бундан ортиқ бўладими?

Алқисса, дилтортар дўстлар тўқин дастурхон атрофида қалдирғочнинг боласидек жамулжам бўлишди. Биллур қадаҳларга ичувчини аввал тамшантирадиган, кейин дилни яйратиб, тилни чулдиратадиган... нима эди у?... Ҳа, баракалла, улфат кўрган йигит экансиз, «обизамзам» қуйилди. «Дўст билан обод уйинг» деб бошланадиган ғазал қўлдан келганча, аммо биргаликда ёддан ўқилди. Аввал янги йил учун, кейин кетаётган эски йил учун, ундан сўнг болачақа ва ўзларининг соғлиқларини, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй тинчлигини ният қилиб қадаҳлар кўтарилаверди.

— Вей, менга қаранглар, — деди бир пайт кайфининг зўридан кўзлари қизариб ва қисилиб кетган Хўжайин. — халқимиз мақоллари ҳаммасиям тўғри эмас экан. «Улфати чор — анда маза борр, улфати се — анда маза не» деган мақолнинг нотўғрилигини, ҳиқ, исботлаб бе... ҳиқ, берайми?

— Қани, қани?  
— Мана қаранглар, — у кўрсаткич бармоғини бигиз

қилиб улфатларини санади, кейин ўзини ҳам эсдан чиқармади. — Бир, икки, ҳиқ, уч! Кўнгил яқин бўлса бўлди, ҳиқ, экан, гўёки уч иқлимга подшо бўлган уч, ҳиқ, оғаниларга ўхшаймиз.

— Яшанг, тўғри, — маъқуллашди улфатлар. — Келинг, «Учлик» унун ичамиз! Яшасин, «Учлик»!!!

Хўжайин қадаҳни лабига бир амаллаб яқинлаштирганини эслайди, кейин...

— Ҳей, дадаси, туринг! Одам ҳам бўкиб қолгунча ичадими? Бор-будингизни «шилиб» кетишибди-ку!!!

Янганинг таҳдидли гаплари ва силташдан сергак тортган Хўжайин кўзларини ишқалаб, аранг очди. Не кўз билан кўрсинки, кечагина, йўге, икки кун олдин полни бежаб турган иккита гилам ва палос йўқ эди.

— «Иисофли» ўғри экан, ҳайтовур, — заҳарханда қилди янга, — яхшиям полнинг тахталарини кўчириб, олиб кетишмабди. Кимлар билан ичгандингиз?

— «Ичгандингиз» эмас, янги йилни кимлар билан кутгандингиз?» десанг-чи! — ўдагайлади Хўжайин.

— Ҳа, хўп, кимлар билан?  
— Акрам, кейин Абдурашид...

— Топган одамларингизни қаранг.

— Нима қилай, ўзинг ўтган йили кетганинг бўйи бу йилдан ҳам икки кун ўтказиб, кейин келдинг-ку? Ким билан кутай бўлмаса?

— Аниқ ўша икки гўрсўхта ўғирлаган гиламларини!

— Ҳўв, хотин! — Хўжайин ярадор шердек наъра тортди, — овозингни ўчир! Мени улфатларини ким деб ўйлаёсан, эшитса хафа бўлишадди!

Йўқ, шу ерда у озгина хато қилди. Улфатлари хафа бўлишдан кейин туғилишган экан. Битта гилам ва палосни такси ҳайдовчисига, иккинчи гиламни Рашид чўлоқ исмли кишига пуллашганини тан олишди, лекин минбаъд, Хўжайиндан хафа бўлишмади.

Халқ суди А. Маҳмудовга тўрт йил, А. Ҳасановга тўрт ярим йил қамоқ жазосини белгиледи.

Арзоннинг шўрваси татимас, деган ибратли нақлни эшитмаган, ўғирланган молларни сув текнига сотиб олиб, дўпини осмонга отган такси шофёри ва Рашид чўлоқлар пулларига куйиб қолаверинди.

Шунақа, азизлар, кенга кенг дунё, деб бекиз айтишмаган.

**Хушбёркнинг** тилидан  
**оққа кўчирувчилар**  
**Ғайрат ЖУРА,**  
**Раҳмон АЛИ.**

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
«НА ПОСТУ»  
Орган коллегия МВД  
ЎзССР